

# **1 - МАВЗУ. ХАЛҚАРО МЕНЕЖМЕНТ ФАНИГА КИРИШ. ХАЛҚАРО МЕНЕЖМЕНТ ТУШУНЧАСИ**

- 1. “Халқаро (глобал) менежмент” курсининг назарий асослари**
- 2. “Халқаро менежмент” категорияси**
- 3. Хорижий тадбиркорлик шароитларида юқори таваккалчилик**
- 4. Халқаро менежмент жахон бозорида ракобатбардошликка эришиш  
қуроли сифатида**

## Кириш

Халқаро (глобал) менежментни ўрганиш ишлаб чиқаришни ва хорижий фирмаларнинг малакали ташкилотчиси булиш мақсадини ўз олдига куйган ўзбек корхоналари раҳбарлари ва таълим олувчилар учун зарур ғисобланади. “Халқаро (глобал) менежмент” курси миллий корхоналарни бошқариш усули сифатидаги менежментнинг умумий принциплари мажмуасидан жиддий фарқ қилувчи муаммоларга бағищланган. Хусусан, миллий шароитларга йўналтирилган стратегик менежмент корхоналарнинг байналмиллашуви ва глобаллашуви шароитларида қарорлар қабул қилиш стратегиясини аниқлашга имкон бермайди. Компания хорижий тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган жойда халқаро бошқарув вужудга келади. Глобал менежер-профессионаллар корхоналарни халқаро бошқариш соҳасида фаолият кўрсатадилар. Бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти давлат чегаралари оркали амалга оширилади. Узбекистонда бундай корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Чунки XXI аср бошида табиий ресурсларга эгалик қилишнинг ўзи давлатнинг иқтисодий ўсиши учун етарли эмас. Мамлакатнинг юксалишига тайёр маҳсулот, технологиялар, хизматлар ва капиталларнинг халқаро алмашувида фаол иштироки оркали эришилади.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида хеч бир давлат бошқалардан ажралган холда фақат ўз худудидаги ресурслар эвазига яшай олмайди. Миллий хўжаликни ривожлантириш учун хар бир мамлакат хукумати унинг халқаро иқтисодий муносабатларда иштирок этишини кенгайтириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чикади. Бу хатто энг кам ривожланган давлатларга хам таалукли. Вужудга келган вазиятда бутун дунёда корхоналарни халқаро бошқариш буйича менежерларга талаб ошиб бормокда.

Агар бир неча йил илгари ташқи иқтисодий фаолият билан фақат йирик корхоналаргина шуғулланади деган фикр мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган халқаро иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви (жаҳон иқтисодиётининг бир бутун ягона ўзаро боғлиқ тизим сифатида амал қилиш жараёни) ва либераллашиши таъсирига боғлиқ бўлган шароитда, хатто кичикроп корхонанинг замонавий раҳбар-менежери учун хам унинг миллий куламдаги фаолияти предметларини билиш энди етарли эмас ва хўжалик фаолиятининг байналмиллашуви бутун жаҳонда хар бир менежер професионализмига янги талаблар куюди.

Ишлаб чиқариш, сотиш ва таъминлаш бозорлари давлат чегараларидан хатлаб утмокда. Истеъмолчи учун маъсулот ишлаб чиқарувчи аниқ фирма, у жойлашган мамлакатга караганда кўпроқ ахамиятга эга булмоқда. Корхонанинг самарали фаолият кўрсатиши учун раҳбар ўз фирмасининг бевосита иктиносий мухитини билиш билан бир қаторда жаҳон бозоридаги ахволдан хам хабардор булиши зарур. Информатика, ахборот технологиялари ва транспорт воситалари соҳасидаги ютуклар давлат ўртасидаги масофаларни қисқартирунганда. Шунинг учун менежер фирма ички ва фирмалараро ташки иктиносий алокаларнинг замонавий шакллари, уларнинг бирлашуви һақидаги билимларга эга булиши ва ўз корхонаси фаолият самарадорлигини ошириш учун улардан тўғри фойдалана олиши керак.

Глобал куламли мутахассислар ташки иктиносий фаолият соҳасига кирган корхоналар учун зарур. Ўзбекистонда мамлакат субъектлари ташки иктиносий фаолиятининг кенгайиши ва МДХ мамлакатлари компаниялари билан давлатлараро корхоналар ташкил қилишга кизикишнинг кучайиши глобал менежер менталитетига эга раҳбарларга кўпроқ эҳтиёж вужудга келмоқда. Бандай раҳбар корхона фаолияти қийинлашганда, ҳалқаро алокаларни кенгайтириш оркали муаммоларни хал қилиш йулларини излайди ва қуидагиларни маъсадга мувофиқ деб топиши мумкин:

-рақобатбардош маъсулот ишлаб чиқариш маъсадида (маркетинг концепциясидан келиб чиқиб) технологик ва ускуналарни замонавийлаштиришни жадаллаштириш учун хорижий сармоядорларни жалб қилиш;

-истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва жаҳон бозорига ўз маъсулоти билан чиқиш учун хусусий ва давлат компаниялари билан фирмалаларо кооперацияни амалга ошириш;

-минтакавий маъмурият ёрдамида сармоядорлар учун жозибали шароит яратиш;

-корхона ишига миллий ва хорижий шериклар билан тўғри контрактлар олувчи ҳукуқшуносларни жалб қилиш;

-корхона ихтисослашуви соҳасида илмий-техник тараккиёт һақидаги ахборотни мунтазам олиш ва ўзининг илмий-техник ва конструкторлик базасини ривожлантириш учун миллий ва хорижий тадқикот марказлари ва университетларини жалб қилиш;

-кизикиш билдирган ҳалқаро иктиносий ва илмий-техник ташкилотлар билан ишбилармонлик муносабатларини урнатиш.

“Ҳалқаро (глобал) менежмент” курсининг вазифаси - жаҳон бозорида миллий ва ҳалқаро компаниялар стратегиясини, интеграл ҳалқаро технологияларни куллаш оркали ишлаб чиқаришни байналмиллаштириш имкониятларини, хорижий анъаналар, маданий хусусиятлар ва қабул килинган стандартларга мослашиш усулларини ўрганиш. Натижа сифатида глобал куламдаги тафаккур, фалсафа ва психологияни хамда чет элда тадбиркорлик фаолияти шароитларига тез мослашиш кунималарини эгаллаш қабул килинади.

**“Халқаро (глобал) менежмент” курсининг назарий асослари**

“Халқаро (глобал) менежмент” категориясига таъриф бериш учун товарлар ва хизматларнинг турли давлатларда ишлаб чиқарилиши ва сотилишига имконият берувчи тадбиркорлик шакли сифатида халқаро бизнес тушунчасини англаб олиш зарур. Глобал менежмент назариясининг асосий принциплари бўлиб мутлак устунликлар, нисбий афзалликлар, маћсулотнинг халқаро хаётий цикли ва бевосита хорижий инвистициялар концепциялари ҳисобланади.

Мутлак устунликлар концепцияси бошқа давлатларга нисбатан меҳнат унумдорлиги ю́кори ва ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган мамлакатда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишни назарда тутади. Бундай шароитлар мутлак устунликларга эга мамлакатдан бошқа давлатларга товарлар ва хизматлар экспортини амалга ошириш имкониятини беради. Мутлак устунликлар, шунингдек нисбий устунликлар хам халқаро бизнесни ривожлантиришни раѓбатлантиради.

Нисбий афзалликлар концепцияси мамлакатда бир неча хил товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкониятларини асослаб беради. Бу холда менежер мутлак устунликларга эга бўлган маћсулотни танлаши ва уни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга куч-куватларни жамлаши зарур булади. Колган товарлар ва хизматлар эса факат ички бозор учун мўлдалланиши ва унга бўлган эхтиёжларнинг бир кисми импорт ҳисобига кондирилиши мумкин. Мутлак ва нисбий устунликларнинг комбинацияси хар бир миллатга тегишли бўлган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва давлат сиёсати билан бирга турли мамлакатларнинг фирмаларига раќобат шароитларида ю́кори обруни таъминлайди. Тажрибанинг кўрсатишича, АҚШ корпорацияларининг пассажир самолетларини (“Боинг” компанияси), кудратли компьютерларни (“ИБМ” компанияси), компьютер дастурлари (“Майкрософт” компанияси), атроф-мухит муҳофазаси учун ускуналарни, угитларни ишлаб чиқаришдаги раќобатбардошлиги шубҳасиз. Жаҳон бозорларида углеродли толалар, телекоммуникация ускуналари, денгиз кемалари, автомобиллар, майший электроника ишлаб чиқарувчи япон компаниялари яхши маълум. Италия фирмалари керамик ва тўқимачилик маћсулотларини, спорт пойафзали, қадоқлаш ускуналарини ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади.

1-босқич - янгилик киритиш. Маћсулотнинг конструктив хусусиятлари ва техник характеристикалари харидорлар томонидан хали тула ўрганилмаган вақтда талаб қатъий эмас, бозор эгалланмаган, янги товарга талаб ўсиши секинлашган. Бу босқичда харидорлар бозорда янги молга эътибор берадилар, ва унинг афзалликларини баҳолаб борадилар, харидлар хажми секин усади.

2-босқич - товарнинг ю́кори истеъмол хусусиятларини харидор томонидан тан олиниши эвазига талабнинг ўсиши билан боғлиқ холда ишлаб чиқариш ва харид хажмининг кўпайиши. Бу биринчи бўлиб оммавий маћсулот ишлаб чиқаришни йулга куйган фирмалар учун максимал фойда олиш вақти.

Бевосита хорижий инвестициялар - бевосита сармоядор корхона ва қабул қилувчи фирма ўртасида ўзоқ муддатли ишга оид муносабатларга мўлдалланган капитал куйилмалар. Бу муносабатларда бевосита инвесторнинг мақсади бўлиб қабул қилувчи мамлакатда корхонани бошқариши ташкил қилишга жиддий таъсир кўрсатиш ва унинг фаолиятини назорат қилиш ҳисобланади. Бевосита хорижий инвестициялар турли мамлакатларнинг корхоналари ўртасида дастлабки битимнинг бошлангач босқичи сифатида хизмат қилиб, ўз ичига шунингдек улар ўртасидаги барча кейинги келишувларни олади. Бу битимлар ва келишувларнинг субъектлари сифатида асосий иштирокчилардан ташқари улар билан боғлиқ корхоналар хам фаолият кўрсатиши мумкин. Инвесторнинг бевосита хорижий инвестицияларни киритиш мамлакатини танлашда иктиносидий ўсиш суръатлари, банк фоизи ва кредит шартлари, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатлари, ташки карздорлик, сиёсий ва макроиктиносидий барқарорлик асосий моментлар ҳисобланади.

Халқаро менежмент - бу чет элда ташки иктиносидий алокаларнинг барча шаклларида (экспорт, импорт, технологиялар айирбошлиш, қўшма корхоналар, хорижда хизматлар ишлаб чиқариш ва кўрсатиш, хорижий инвестицияларни амалга ошириш, трансмиллий корпорациялар) жамоавий фаолият шароитларида корхоналарни тўғри бошқариш назарияси ва амалиётидир.

Халқаро (глобал) менежмент компанияларни икки ва ундан ортиқ мамлакатларда фаолият юритишини бошқариши назарда тутади, глобал менежер малакасига эга мутахассис эса кенг доирадаги масалалар - экспорт - импорт битимларидан тортиб чет элда ишлаб чиқариш операцияларигача боғлиқ бўлган фаолиятни амалга ошириши лозим. Бунда у турли маданиятларга мойил ва глобал менежмент назарияси, фалсафаси ва психологиясини ўзлаштириб олиши керак, ва ҳар қандай шароитда энг аввало мамлакатимиз манфаатларини кўзлаши зарур. Президентимиз таъкидлаганлариdek: «Бугун мана шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман: давлатимиз ташки сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир»[\[1\]](#).

Чет элда жамоавий фаолият шароитларида ишлаш ўзбек тадбиркорлари ва давлат хизматчилари орасида тобора кенг таркалиши бир қатор сабабларга эга. Биринчидан, собик СССР худудида мустақил давлатларнинг ташкил топиши кўп холларда тадбиркорлар учун хорижий фаолиятга ухшаш шароитларда харакат қилиш заруриятини яратади. Иккинчидан, давлатимиз ташки иктиносидий алокаларининг кенгайиши миллий корхоналарнинг нафакат ТМКлар, балки турли халқаро иктиносидий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга олиб келмоқдаки, уларнинг ташкилий тўзилиши ва стратегиясини ўрганиш зарур. Бу ҳамкорлик фақат мамлакат иктиносидий қудратини оширишга эмас, балки тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашга хизмат қиласи. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари 2005 йил 28 январда ЎзРОМ +онунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ўз маърӯзасида шундай дейди: «Шуни таъкидлаш лозимки, Шанхай ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада ҳавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади».

Халқаро менежментни ўрганиш тингловчиларнинг халқаро тоифадаги раҳбарлар учун зарурий сифатларга : ташаббус, окланган таваккалчиликка тайёрлик, ўз кучларига ишонч, глобал куламда фикрлаш, хорижий шериклар билан конструктив алокаларни урнатиш принципларини эгаллашга ёрдам беради.

Ушбу курс материалларини ўрганиш тингловчиларга дунёда халқаро менежмент ривожланишининг қуидаги асосий йўналишларини кўрсатиб беради :

- буйсунувчиларга юкландиган жавобгарлик улушининг ортиши;
- истеъмолчиларнинг хохиш-истакларига эътиборни кучайтириш;
- корхоналар фаолиятида маркетинг ролини ошиши;
- ишлаб чиқариш технологиясини ўзлуксиз такомиллаштириш хамда маҳсулот ва хизматлар ассортиментини янгилаш;
- қисқа муддатли натижага ва ўзоқ муддатли мақсадларга эга тадбирларни аниқ ажратилиши;
- миллий манфаатларга риоя қилиш.

### **1.3.Хорижий тадбиркорлик шароитларида юқори таваккалчилик**

“Тадбиркорлик” термини кенг маънода корхонани ташкил қилувчи ёки уни бошқарувчи шахсларнинг таваккалчилига тайёргарликнинг алоҳида сифатлари мажмуи сифатида аниқланади. “Тадбиркорлик” сўзи инглизча “entrepreneurship” ёки францўзча “entreprendre” сўзидан келиб чикади ва таржима килинганда “имкониятларни амалга ошириш, куллаш ёки новаторлик фаолияти ёхуд корхона тўзиш йўли билан эҳтиёжлар ва истакларни кондириш” маъноларини англатади.

Фирма товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш (ёки сотиш) функцияларига эга хўжалик бирлиги сифатида ўз фаолиятини ривожлантиради ва демак икки йўналишда таваккал қиласди. Улардан бири корхонани жойлаштириш урнини танлашни, ишлатиладиган технология, хомашё, яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулотни харакатланиш логистикасини назарда тутувчи вертикал йўналиш. Фирма фаолиятининг иккинчи йўналиши-бу ўз менежмент услуги, маркетинг концепцияси, НИОКР ва молиявий фаолият асосида ишлаб чиқаришни ва сотишни ташкил килинишига эга горизонтал йўналишdir.

Фирма ўз фаолиятини давлат чегарасидан ташқарида олиб борса, тадбиркорлик билан боғлиқ таваккалчиликлар маданий тафовутлар (ћукуқ, анъаналар, ахлоқ) товарлар ва хизматларга талаб хусусиятлари, кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва майший муносабатларнинг фарқланиши, валюта паритетларининг тебраниши, халқаро терроризмнинг ёйилиши каби сабабларга кўра корхонанинг хорижда фаолият юритиш шароитларида бир неча баробар ошиб кетади.

Хорижий тадбиркорлик билан боғлиқ таваккалчиликларни комплекс баҳолаш учун хорижий бизнес билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятига таъсир қилувчи омилларни туркумлаш мақсадга мувофиқ. Бу омилларга қўйидагилар киради:

- Ижтимоий-маданий - урф-одатлар, меъерлар, тил, демография, турмуш даражаси, ижтимоий муассасалар, хаёт тарзи, дин, ажнадбийларга муносабат, саводлилик даражаси. Охиргиси ўз корхонасида меҳнат қилишга махаллий ахолини жалб қилишни кўзлаган менежер учун муҳим;

- Иктиносий - иктиносий ривожланиш даражаси, ахоли жон бошига даромад, ЯММ динамикаси ва тенденцияси, хукумат молия сиёсати, ишсизлик даражаси (ахолининг харид қувватини ва махаллий мутахассисларни қабул қилувчи мамлакатдаги фирмада ишлашга жалб қилиш имкониятини аниқлашда зарур), валюта конвертируланиши, иш һақи даражаси, рақобат мухити, иктиносий бирлашмалар ва минтакавий интеграцион ташкилотларда иштирок этиш. Охиргиси махаллий шерикларнинг мустақил қарор қабул қилишини қийинлаштиради, чунки минтакавий интеграцион гурухларда иштирок этиш принципиал қарорларни интеграцион бирлашмадаги шериклар билан келишишни такозо этади;

- Технологик - технологиялар айирбошлишнинг ҳуқуқий меъерлари, энергия ташувчиларнинг мавжудлиги ва киймати, табиий ресурслар, транспорт тармоги, ишчи кучи малакаси, патент химояси, инфраструктура, ахборот оқимлари. Замонавий шароитларда ахборотнинг биринчи даражали ахамиятини ҳисобга олиб, айрим корпорациялар (япон компаниялари) хорижда янги технологиялар, асосий рақобатчилар фаолиятининг ахволи, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва хоказолар һақидаги ахборотни олиш мақсадида ўз булимларини ташкил қиласди;

- Сиёсий-ҳуқуқий - давлатни бошқариш шакли, сиёсий мафқўра, солиқ қонунчилиги, хукумат барқарорлиги, хукуматнинг хорижий компанияларга муносабати, хорижий мулк һақидаги қонунчилик, оппозиция таъсири, савдо қонунчилиги, протекционизм даражаси, ташки сиёсат, террористларнинг фаоллиги, ҳуқуқий тизим. Сиёсий-ҳуқуқий омиллар хорижий фирма учун қабул қилувчи мамлакат хукумати харакатлари натижасида ўз активларини, ўз корхоналари назоратини, бозордаги улушкини йўқотиш билан боғлиқ.

Халқаро менежмент жахон бозорида рақобатбардошлика эришиш куроли сифатида

Глобал менежернинг асосий вазифаларидан бири жахон бозорида халқаро компания хорижий филиали маћсулотини рақобатбардошлигини илмий ёндашувлар ва методлардан, маркетинг концепциясидан фойдаланиш ва инсон омилини ћисобга олиш ёрдамида таъминлаштир. Жахон бозорида маћсулот ва хизматлар рақобатбардошлигига эришишга ёндашувда бешта асосий аспектни ажратиш мумкин:

1. Глобал менежмент тизимининг самарадорлиги халқаро компанияяда ташќи иќтисодий фаолиятни бошқариш структурасининг оптимал тўзилиши, ТМК тизимининг ички ва ташќи алокалари мазмуни ва ташкил килиниши билан аниқланади.

2. Халқаро компаниянинг ташќи бозорга янги товарлар ёки хизматлар тури билан чиқиш тайёрланганлик даражаси бўлиб, у муайян объект буйича янгилиги, техник характеристикалари ва ишонччилик кўрсаткичларининг оптималлиги, экологик, технологик, патент кобилияти, дизайн, стандартлаштириш ва унификациялаш меърларига муvrфиклиги нуткази назардан НИОКР натижалари сифати билан аниқланади.

3. Кулланилаётган ускуналар, технология, материаллар, сифатни бошқариш тизими, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил ќилиш билан таъминланувчи маћсулотлар ёки хизматлар сифати.

4. Асосий истеъмолчилярнинг товарларни харид ќилиш ёки хизматлардан фойдаланиш, транспортировка ќилиш, эксплуатация ќилиш, товар хизматининг бутун кафолат муддати давомида таъмирлаш ва ишлатишга харажатлари.

5. Қабул ќилувчи мамлакат хусусиятларини ћисобга олган холда харидорларнинг асосий ва кушимча эҳтиёжларини кондириш даражаси, у истеъмолчилар манфаатларини ћуќукий химоя ќилиш меърларига риоя этиш даражаси, рекламанинг маћсулот ћакирий истеъмол хусусиятларига мос келиши, кадоклаш сифати, саклаш, сотиш, етказиб бериш, сотувдан кейинги кафолатли хизмат кўрсатиш шартлари билан аниқланади.

ТМК хорижий филиаллари қўпинча қабул ќилувчи мамлакатларнинг бозорларида миллий фирмаларга нисбатан ю́кори молиявий имкониятлар ва қўплаб реклама тадбирлари ћисобига ю́корирок рақобатбардошлиқ даражасига эришадилар. Бироқ жахон бозорида рақобатбардошлика эришишишнинг асосий омили-бозор конъюнктурасини малакали таҳлили асосида тўғри танланган товарлар ва хизматлар ассортименти.

Бундай тахлилни ўтказиш учун халқаро компаниялар иқтисодчилари кўпинча “Бостон консалтинг груп” Бостон консультатив гурухи ишлаб чиқкан ва “Бостон матрицаси” деб ном олган усулни қўллайдилар<sup>[1]</sup>. Бу усул миллий бозордан фарқли уларок жаҳон бозорида халқаро компания шундай омилларга боғлиқ буладики, бу омилларга у бевосита таъсир эта олмайди. Бундай объектив ташки омилларга мисол сифатида мазкур тармоқда технология ривожланиши, халқаро ташкилотларнинг атроф-мухит муҳофазаси буйича конвенциялари, истеъмол талаби ўзгаришлари (масалан, 90-йилларда биомаћсулотларга юқори талаб) келтирилиши мумкин.

Жаҳон бозоридаги рақобат миллий бозорга нисбатан кучлирок, негаки халқаро компания у ерда кўпроқ ва кудратлирок рақибларга дуч келади. Жаҳон бозоридаги улуш -бу у ёки бу товар ёки хизмат муваффакиятининг асосий потенциали. Бостон матрицасида халқаро компания жаҳон бозорига олиб чикаётган товарлар ёки хизматлар бозорда эгаллаган улушкига кўра туртта квадратда харидларнинг энг юқори ўсиш суръатлари билан характерланувчи товарлар ёки хизматлар (уларни юлдўзлар деб атайдилар) туради. Уларнинг сотувдаги улушки асосий рақибнидан юқори ва демак, улар компания учун даромадлирок. Улар катта хажмда ишлаб чиқарилади, уларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари-ушбу бозордаги энг кам микдорлардан бири (шу жумладан кулам самараси һисобига хам). Усиб бораётган бозорда рақобатчилар эксрансиясига йул кўймаслик учун ишлаб чиқариш ва бозорни ривожлантиришга инвестицияларни амалга ошириш ва олинган даромадларни кайта инвестициялаш зарур.

Паст чап квадратда бозорда паст ўсиш суръатлари билан сотилаётган товарлар ёки хизматлар жойлашади. Уларнинг рақобатбардошлиги ва сотувлардаги улушки ушбу бозорда асосий рақобатчиларникига нисбатан юқори, улар компанияга даромад келтиради ва “согин сигирлар” деб аталади. Шу билан бирга сотувларнинг ўсиш суръати унчалик юқори эмас ва ишлаб чиқарувчиларга катта инвестициялар зарур эмас. Демак, бу товарлар ёки хизматлар халқаро компанияга жаҳон бозорида юқори фойда келтиради.

Юқори унг квадратда жойлашган товарлар ёки хизматлар сотувлар хажми ўсишинингбозор уртача кўрсаткичидан юқорилиги билан характерланади, бироқ уларнинг сотувлардаги хажми асосий рақобатчиникидан пастрок. Уларни “савол белгилари” ёки ўзича сайд қилувчи “ёввойи мушуклар” деб номлашади. Бу товарлар ёки хизматлар сотилишининг ўсиш суръатлари анча юқори, лекин рақобатчининг жуда кучлилиги сабабли компания ўз рақобатбардошлиқ даражасини саклаб колишни истаса бу товарлар ёки хизматлар истеъмол хусусиятларини такомиллаштиришга ва сифатини оширишга йирик капитал куйилмаларни йўналтиришга мажбур булади. Шу вақтнинг ўзида бу товарлар ёки хизматларнинг умумий сотувлар хажмидаги улушки нисбатан камлиги сабабли улар катта фойда келтирмайди. Улар пулларни хазм қилиб юборади, лекин уларни сотишдан коладиган соғ фойда юқори эмас. Энг яхши вариант-уларнинг “юлдўзлар” тоифасига утишига эришиш.

Пастки унг квадратда шундай товарлар ёки хизматлар жойлашганки, уларни сотиш хажми бозордаги уртacha кўрсаткичдан камроқ усади, уларнинг сотувдаги улуши эса асосий рақобатчиникидан кўра пастрок. Уларни “итлар” деб атайдилар. Уларга 20:80 коидаси таалукли бўлиб, унинг моҳияти фойданинг 20%ини берувчи ушбу товарлар ёки хизматлар халқаро менежерларнинг 80% вақтини олади. Бу товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқарилишини саклаб туриш катта инвестициялар билан боғлиқ, компания эса улардан фақат зарар кўради.

Жаҳон бозорига янги товар ёки хизмат билан чиқиши “бостон матрицаси” схемаси буйича “савол белгисидан” бошланади, чунки тез ривожланаётган бозорлар учун товарлар ёки хизматларнинг ассортиментини тўғри танлаш такозо этилади.

Кулай бозор конъюнктурасида товарлар ёки хизматлар асосий истеъмолчилар талабларига жавоб берган вақтда улар рақобат бардош, уларнинг сотувлар хажми усади, бозордаги улуши асосий рақибга караганда юқори ва улар “юлдўзлар” квадратига утади.

Ушбу турдаги товарлар ёки хизматларга талаб етуклик босқичига етганда, сотиш хажмининг ўсиш суръатлари кискаради, бу товарлар ёки хизматлар “согин сигирлар” квадратига утади, компанияга катта фойда келтиради. Харидорлар жаҳон бозорида янги, янада жозибалирок товарларни учратганда, аввалги товарлар ёки хизматлар “согин сигирлар” квадратидан “итлар” квадратига утади ва халқаро компаниянинг сотиш тизимидан олиб ташланади.

Бостон матрицасининг тўзилиши глобал менежерга жорий вазиятни ва қабул қилувчи мамлакатдаги хорижий филиал ишлаб чиқараётган товарлар ёки хизматларни жаҳон бозорида сотиш истиқболларини аниқ куриш ва баҳолаш имкониятини беради.

Матрица менежерга жаҳон бозорида сотиш учун рақобатбардошлигини кутариш учун зарур бўлган биринчи навбатдаги товарлар ёки хизматларни танлашга кумаклашади. Бундан ташқари халқаро менежер Бостон матрицаси асосида ТМК тизими корхоналарининг куч-қувватларини жаҳон бозорида товарлар ёки хизматлар рақобатбардошлигини оширишга ва халқаро компаниянинг молиявий ресурсларини унинг хорижий филиаллари ўртасида тўғри таксимлашга йўналтириш вазифасини хал қилиши мумкин.

Қатор холларда халқаро менежерлар жаҳон бозорида рақобатчиларнинг корхоналари билан беллашмасликка, бунинг урнига бирдамликни намоён қилиш ва рақобатчилар билан бозорни бўлиб олиш ҳақида келишишни ёки бошқа рақиблар билан рақобат кўрашида куч-қувватларини бирлаштиришни лозим топади. Улар бу билан инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи ва иқтисодиётни хамда пировард натижада ахоли фаровонлиги ўсишини таъминловчи рақобат механизмининг харакатини чегаралайди. Давлатнинг маъмурий органлари рақобатнинг бундай чекланишига карши тегишли иқтисодий сиёsat билан кўрашадики, бу сиёsatнинг хусусиятларини халқаро менежер ҳисобга олиши лозим. Масалан, ФРГда рақобат чекланишига карши қонун давлатнинг ички ва ташқи тадбиркорликни тартибга солишнинг туртта асосий соҳасини кўзда тутади:

Халқаро менежер хорижий фаолияти мұваффакияттینинг асосий омилларидан бири бўлиб, қабул қилувчи мамлакат қонунларини билиш ва уларга риоя этиш һисобланади. XX асрнинг охирги ун йилликларида кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилигига ва халқаро ташкилотлар конвенцияларида рақобатга муносабат нуктаи назардан чекловчи ишга доир амалиёт шакллари етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасида бозорларни таксимлаш, баҳоларни урнатиш, экспортлерларнинг дискриминацион (окланмаган диверсификацияланган) баҳолар ва тиҷорат шартларидан фойдаланиши, савдо шеригининг ишлаб чиқаришга ва рақобатлашаётган товарлар сотишга нисбатан чекловларни қабул килинишига асосланган товар етказиб бериш, “юклама” билан етказиб бериш ва бошқалар кораланади.

### **Хуросалар**

Глобал менежмент назариясининг асосий принциплари бўлиб мутлак устунликлар, нисбий афзалликлар, маъсулотнинг хаётий цикли ва бевосита инвестициялар концепциялари һисобланади.

Халқаро (глобал) менежмент компаниянинг икки ва ундан ортиқ мамлакатда фаолият юритишини бошқаришни назарда тутади.

Собиқ СССР худудида мустақил давлатларнинг ташкил топиши тадбиркорларнинг хорижий шароитларга ухшаш шароитларда харакат қилиш зарурятини тугдиради.

Глобал менежер учун зарурый сифатларга ташаббускорлик окланган таваккалчиликка тайёрлик, ўз кучига ишонч, глобал куламда фикрлаш, хорижий шериклар билан конструктив алокаларни урнатишпринципларини билиш, чет тилларни ўрганишга кобилиятлар киради.

Жаҳонда халқаро менежмент римвожланишининг асосий йўналишлари: буйсунувчиларга (шу жумладан чет элликларга) юкландиган масъулият улушининг кўпайиши; истеъмолчилар талабларига эътиборни кучайтириш; корхоналар фаолиятида халқаро маркетинг ролининг ошиши; ишлаб чиқариш технологиясини ўзлуксиз такомиллаштириш ва замонавийлаштириш; маъсулот ассортиментини янгилаш; қисқа муддатли натижали ва ўзоқ муддатли мақсадли тадбирларни аниқ ажратилиши; миллий манфаатларга риоя қилиш.

Хорижий тадбиркорлик билан боғлиқ таваккалчиликни комплекс баҳолаш учун чет элда фаолият юритувчи корхоналар бизнесига таъсир этувчи омилларни ижтимоий-маданий, иқтисодий, технологик ва сиёсий-ҳукукий омилларга туркумлаш.

Бозор иқтисодиётига асосланган давлатнинг маъмурий органлари фирманинг рақобат механизмини чекловчи хатти-харакатларига карши кўрашади.